O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: halksuzi@sand.uz ● 2002 йил 27 декабрь, №281-282 (3109-3110) Жума

## Қашқадарё вилояти кенгаши сессияси

26 декабрь куни Қарши шаҳрида халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда мазкур вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, туман ва шаҳар ҳокимлари, вилоят ташкилотлари бошлиқлари, республика вазирликлари, давлат қўмиталари, компания, уюшма, концерн ва идораларининг раҳбарлари иштирок этди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Б.Хамидов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига биноан «Муборакнефтгаз» нефть ва газ конлари бошқармасининг бошлиғи лавозимида ишлаб келган Нуритдин Зайниев Қашқадарё вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда, шунингдек, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Сессия ишида Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т.Худойбергенов, И.Жўрабеков, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

**(ЎзА).**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
***ФАРМОНИ***

### Н.Зайниевни Қашқадарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Нуритдин Зайниев Қашқадарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 26 декабрь

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
***ФАРМОНИ***

### Б.С.Хамидовни Қашқадарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Бахтияр Султанович Хамидов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Қашқадарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 26 декабрь

## XXI аср арчаси

Халқимиз шоду хуррамлик билан нишонлайдиган Янги йил байрами яқинлашиб келмоқда. Ҳар сафар болалар Янги йилдан ажойиб совғалар кутишади.

Шу муносабат билан "Совпластитал" Ўзбекистон—Италия қўшма корхонаси йил охирида мамлакатимиз пойтахтида арча безаклари ва ўйинчоқлар сотишга мўлжалланган махсус дўкон очди. "Беш-ёғоч" майдонида очилган янги дўконда янгиликлар талайгина. Жумладан, ўзига хос XXI аср арчаси шулардан биридир.

**Ҳ. СОДИҚОВА,**
**ЎзА мухбири.**



## Замин чилла сувига тўйинмоқда

*Андижон вилоятининг Улуғнор тумани деҳқонлари қишки юмушларни уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар. Барча хўжаликларда шудгорлаш ишлари аллақачон ниҳоясига етказилган. Айни кунларда ернинг шўрини ювиш, яхоб бериш, ариқ ва зовурларни тозалаш каби тадбирлар сифатли амалга оширилмоқда.*

**СУРАТДА:** «Шаҳрихон» ширкат хўжалиги бош агрономи Улуғбек Абдувалиев, агроном Муроджон Ҳамидов ва сувчи Бахтиёр Муҳиддинов навбатдаги вазифаларни белгилаб олишяпти.

**Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.**

## «ЎЗБЕКИСТОН: СИЁСАТ, ЖАМИЯТ, МАДАНИЯТ»

*умумсарлавҳаси остида Германия Федератив Республикасида мамлакатимизга бағишланган журнал чоп этилди.*

"Восток Ферлаг" матбаа компанияси томонидан кўп минг тиражда нашр қилинган бу журналнинг олтмиш тўрт саҳифасида республикамиз ҳаётига оид энг ёрқин жиҳатлар акс эттирилган.

Ушбу нашрнинг ўзига хос томони шундаки, Германия жамоатчилиги ва бошқа немисзабон ўқувчиларга ўзбекистонлик муаллифлар ижоди орқали мамлакатимиз билан танишиш имконияти берилади.

Фотосуратларга бой бу журналнинг биринчи саҳифасиданоқ юртимиз тарихи, ўзбек давлатчилигининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, ҳозирги кунда республика раҳбарияти бошчилигида демократик жамият қуриш ҳамда минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишиш мумкин.

Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш, халқаро терроризм ва наркобизнес ўчоқларини бартараф этишга қаратилган тинчлик ташаббуслари журналда марказий ўринлардан бирини эгаллайди.

Республикамизнинг нуфузли халқаро ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, мамлакатнинг таълим тизими, аёлларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сайёҳлик салоҳияти, санъати ва маданиятига доир мақолаларда мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятга шаҳдам қадамлар билан кириб бораётгани ва изчил равишда олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида қўлга киритилаётган ютуқлар акс эттирилган.




Ушбу нашр орқали немис ўқувчилари ўзбек халқига хос бўлган Ватанга садоқат, ота-онага муҳаббат ва фарзандлик бурчи, катталарга эҳтиром туйғулари билан танишиш баробарида, Амир Темур, Имом ал-Бухорий, Алишер Навоий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳмад Яссавий, Ал-Фарғоний ва бошқаларнинг сиймоларида гавдаланган бой маданий меросимизни асраб-авайлаб, эъзозлашимизнинг шоҳиди бўлиш имкониятига эга бўлдилар.

**А. АКБАРОВ,**
**"Жаҳон" АА, Берлин.**

## Якун ҳисоб сўрайди

Иккинчи чақириқ халқ депутатлари Бухоро вилояти кенгашининг тўққизинчи сессиясида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш ва барқарорликни таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар чуқур ва атрофлича таҳлил қилинди. Бу хусусда вилоят ҳокими С.Ҳусеновнинг ҳисоботи тингланди.

Таъкидландики, жорий йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бу ўринда асосий эътибор хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш, табиий ва материал ресурсларидан оқилона фойдаланиш, кичик ва ўрта бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан кафолатли ҳимоялаш, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш масалаларига қаратилганини таъкидлаб ўтиш лозим. Белгиланган вазифаларни тўла-тўкис амалга ошириш мақсадида вилоят ҳокимлиги томонидан 20 дан зиёд дастур ишлаб чиқилди ва уларнинг ижросини таъминлаш чоралари кўрилди. Айниқса, Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига кўрсатиб келинаётган ғамхўрлик янада оширилди, қишлоқ меҳнаткашларини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан тўлиқ таъминлаш юзасидан қўшимча имкониятлар ишга солинди.

Шунингдек, вилоятдаги айрим шаҳар ва туманларда иш ҳақи, нафақа ҳамда бошқа тўловлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишда сансалорликка йўл қўйилаётганлиги қайд этилди.

Сессияда, иккинчи чақириқ халқ депутатлари вилоят кенгаши ҳузуридаги Ёшлар ишлари бўйича доимий комиссиянинг ҳисоботи, вилоятнинг 2003 йилги бюджетининг асосий параметрлари, жиноятчиликка қарши кураш бўйича олиб борилаётган ишларга оид маърузалар ҳам тингланди, халқ депутатлари вилоят кенгаши ва доимий комиссияларнинг иш режалари тасдиқланди.

Вилоят кенгаши сессиясида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Носир ТОШЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Олий Мажлисда



## Гиёҳвандликка — ишончли тўсиқ

Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссиясининг кеча бўлиб ўтган йиғилишида «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонуннинг Тошкент шаҳридаги ижроси муҳокама этилди. Йиғилишни мазкур комиссия раиси Ш. Салимова олиб борди.

Йиғилишда таъкидланганидек, шаҳар ҳокимлигида наркотик моддалар устидан назорат қилиш комиссияси томонидан гиёҳванд моддаларга қарши курашни мувофиқлаштириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб, «Тошкент шаҳрида гиёҳвандликни, психотроп ва гиёҳванд воситаларнинг суиистеъмол қилиниши ва ноқонуний муомалада бўлишининг олдини олишга қаратилган 2001-2005 йилларга мўлжалланган дастур» ишлаб чиқилган.

2002 йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида Тошкент шаҳар ИИББ ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда наркотик ва психотроп моддаларни ноқонуний йўл билан сотиш, сақлаш, «бангихоналар»ни ташкил этиш, наркотик моддаларни контрабанда йўли билан олиб ўтиш кўринишларини аниқлашга қаратилган амалий ва махсус тадбирлар амалга оширилган.

Натижада шаҳарда гиёҳвандлик билан боғлиқ бўлган жами 1635 та жиноят аниқланган. Кучли таъсир этувчи, таркибида наркотик ва психотроп моддаси бўлган дори-дармонлар савдоси билан шуғулланадиган жами 25 нафар шахс эса қўлга олинган.

Шунингдек, наркотик моддаларни пойтахтга четдан олиб келиб сотиш ва тарқатиш билан шуғулланаётган шахсларни аниқлаш мақсадида ўтказилган тезкор чора-тадбирлар натижасида жами 249 нафар шахс қўлга олинган. Шундан 226 нафари республикамиз вилоятларидан, 23 нафари Ҳамдўстлик мамлакатларидан келган шахслар бўлиб, уларнинг жиноят содир этишларининг олди олинган. Бироқ бу далиллар мазкур қонун ижроси тўлиқ таъминланаётганлигини билдирмайди. Гап шундаки, шаҳар наркология диспансерининг маълумотларига кўра, ҳозирда гиёҳвандликка мубтало бўлганлар сони ўсиб бормоқда. Хўш, бунга сабаб нима?

Маълум бўлишича, ҳуқуқ-тартибот органлари ўртасида етарли даражада ҳамкорлик йўлга қўйилмаганлиги, тиббий муассасалар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ёшлар ўртасида гиёҳвандликнинг олдини олиш борасидаги профилактик, тарғибот ва ташвиқот ишлари ўта сустлиги, махсус даволаш ва профилактика қилиш муассасалари фаолиятининг ривожланмаганлиги бунга сабаб бўлган.

Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси аъзолари ва мутахассислардан иборат депутатлар ишчи гуруҳи Тошкент шаҳар ҳокимлиги, тегишли вазирликлар, қўмиталар ва идоралар «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонун ҳамда қонуности ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасидаги ўз фаолиятларини кучайтиришлари лозим эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова иштирок этди.

**Ф. САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Совуқдан чўчимайдиган болалар

*Мухбиримизнинг Қумқўрғон туманидаги 17-умумтаълим ўрта мактабида ўқувчи бўлиб таҳсил кўрганидан олган таассуротлари*

Кўникманинг йўқлиги бошдан панд берди — биринчи дарсдан кеч қолдим. Иккинчи қўнғироқдан сўнг ўзимни 9-«Б» синфининг ўқувчиси деб чоғлаб, дарсга кирдим.

«Информатика ва ҳисоблаш техникаси» дарси экан. Ўқитувчининг кимлигини мактаб директоридан сўраб олганман. — Абдимажит Тошпўлатов. Ўқитувчи журнал тўлғазди. Йўқлама қилди. Сўнг сўради:

— Хўп, уй вазифасини гапириб беришга ким доскага чиқади?

Ҳамма — жим.

— Хўп, Норбоев, доскага, — деди ўқитувчиси.

Қора жемперининг устидан одмигина куртка кийиб олган, енгил ҳаракат қилиши билан коптокка ўхшаб кетадиган ўқувчи:

— Ўтган дарсга мен келмап (келмаган, демоқчи) эдим, маллим, — деб жавоб қилдию, ижозатни кутмасдан ўтириб олди.

— Алламуродов, доскага.

Алламуродов на ҳа деди, на йўқ деди, ерга қараб индамасдан тураверди.

— Хўп, янги дарсни бошлаймиз бўлмасам, — деди ўқитувчи. — Навбатчи, бўр келтиринг.

Ўқитувчи бўрни доскага қаттиқ босиб, мавзуни ёзди: «Маълумотлар омборини бошқариш системалари». Сўнг чап қўлида керакли саҳифаси очилган китоб, ўнг қўлида бўр, мавзуни тушунтира бошлади: Маълумотлар шакл ҳолатида ва жадвал ҳолатида бўлади, деяпти (менимча, китоб шундай деяпти, демоқчидир). Жадвалларнинг шаклини ўзгартириш учун (ўқитувчи китобга қараб олади), сатр ва устунларни ўзгартириш керак, деяпти.

Шу тарзда бирмунча вақтлик тушунтиришдан (лекциядан) сўнг ўқитувчи «Энди иккинчи мавзуга ўтамиз», деб доскага «Электрон жадвал имкониятлари» деган гапни ёзди. Акси доскага яхши тушмайдиган, ёзишдан кўра доскани чизиб кетаётган параха бўр билан «Экран» чизди. «Экран»да «х» - экс белгисини туширди. Ячейкалар ҳақида, яна нусхалаш, силжитишлар ҳақида гапириб, «Хўп, саволлар борми?» деган ҳам эди, чиқишга қўнғироқ чалинди.

Ўқувчилар чуқур нафас қайтаргандай бўлдилар.

(Давоми 2-бетда).

## Экспорт имконияти кенгайди

Пойтахтимиздаги «Фотон» очиқ турдаги акциядорлик жамиятида хориж технологияси — Италиянинг «Marsilli» автоматик базасига мослашган мониторлар ва янги турдаги рангли телевизорлар учун трансформаторлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Бунинг натижаси ўлароқ, корхонанинг ички бозорда ўз ўрнига эга маҳсулотлари сифатини янада ошириш ва экспортни кенгайтиришда қулай шарт-шароит юзага келди.

Мамлакатимиз халқ хўжалиги тармоқлари, хусусан, энергетика, транспорт, тиббиёт соҳалари учун асбоб-ускуналар, турли жиҳозлар етказиб бериш «Фотон» фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу ерда ўтган йили реажага нисбатан 104,8 фоиз маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда мазкур кўрсаткич 112,6 фоизни ташкил этди. Айниқса, назорат кассаси аппаратлари, қувватни тежовчи лампалар, оқ-қора ва рангли телевизорлар харидорларга маъқул тушмоқда. Лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун тайёрланаётган техникавий ўқув қўлланмалар ҳам мижозларнинг доимий эътиборида.

«Фотон»нинг Россия ва Украинадаги савдо уйлари фаолияти яхши йўлга қўйилган. Тадбиркорлар корхонанинг «Интернет»даги сайтларига мурожаат қилиб, тегишли маҳсулотларга буюртмалар бериш имкониятига эга.

**Беҳбуд БОТИРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

### Сўнгги хабарлар

*Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Ўзбекистондаги кам таъминланган оилалар, микрокорхоналар ва кичик бизнесга микромолиялаш хизматлари кўрсатишда кўмаклашиш учун 20 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит ажратилишини маъқуллади.*

## Кичик корхоналарга ёрдам

Бундан ташқари ОТБ Ўзбекистон Марказий банки салоҳиятини кучайтириш учун 400 минг АҚШ доллари миқдоридаги грант техник ёрдамини кўрсатади. Бундан мақсад омонат ва кредит иттифоқлари (ОКИ) фаолиятини назорат қилиш ва оқилона бошқаришни таъминлашдир.

Мазкур кредит кредит иттифоқларини тузиш ва микромолиялаш хизматларини таъминлашда тижорат банклари салоҳиятини кучайтиришга ёрдам беради.

Маълумки, Ўзбекистон ривожланган бозор иқтисоди томон ишонч билан ҳаракат қилмоқда. Бу жараёнда мураккаб ислоҳотларни амалга ошириш зарурати туғилмоқда. Улар давлат корхоналари таркибини ўзгартириш ва хусусийлаштиришни ўз ичига олади. Таъкидлаш жоизки, ушбу ёрдам пакети даромад тўплаш ва аҳоли бандлигини таъминлаш услуби сифатида ҳукуматимизнинг микро ва кичик корхоналар ривожланишини рағбатлантириш бўйича саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди.

— Самарали ва молиявий ресурслар билан яхши таъминланган пул сиёсати омонатларни сафарбар қилади ҳамда кам таъминланган одамларни микро ва кичик корхоналар ташкил этиш учун молиявий ёрдам билан таъминлайди, мамлакатнинг бозор иқтисодига ўтиши ва қашшоқликни камайтириш учун ўта муҳим ўрин тутади,- дейди ОТБнинг Шарқий ва Марказий Осиё департаменти кредитларни бошқариш бўйича бош мутахассиси Радхакришна Нарасимхам.

Кичик корхоналарни микромолиялашни ривожлантириш лойиҳаси учта асосий таркибий қисмга эга: омонат ва кредит иттифоқлари учун самарали бошқарув ва институционал асосни ривожлантириш, Марказий банк томонидан бошқариладиган 20. та ОКИ дан иборат молиявий барқарор тармоқни яратиш, оилаларга, микрокорхоналарга, ОКИ га кредитлар ажратиш учун тижорат банклари учун кредит линиялари очиш.

2010 йилда якунланадиган лойиҳанинг умумий қиймати 50 миллион АҚШ долларини ташкил этади. У Осиё тараққиёт банкидан ташқари ҳукумат, ОКИ аъзолари, иштирок этаётган тижорат банклари ва уларнинг қарздорлари маблағлари ҳисобига молияланади.

ОТБнинг қарзи 20 йил давомида қайтарилади, шундан беш йили имтиёзли давр ҳисобланади.

**Ж. РАУПОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Минг дардга даво

Нуротадаги «Дори-дармон» ҳиссадорлик жамиятида қирқ хилга яқин дори-дармонлар тайёрланаётган эди. Янги йил арафасида бу ерда тоғ гиёҳларидан тайёрланган малҳам ва дамламалар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Улар ўт пуфагининг яллиғланиши, буйрак шамоллашларига қарши муолажалар ўрнини босади.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




### «Халқ сўзи» назоратида

## ТАНҚИД УЧУН МИННАТДОРЧИЛИК

*Газетамизнинг шу йил 8 ноябрь сонида «Вокзалнинг янги «брокер»лари» сарлавҳали мақола чоп этилганди. Унда поездлардаги чиптасиз йўловчилар ҳақида сўз юритилиб, тармоқда юзага келган мавжуд камчиликлар танқид остига олинганди. Шу муносабат билан қуйидаги расмий жавобларни олдик.*

«Мақолада кўрсатилган камчиликлар «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК ва «Ўзтемирйўловчи» очиқ акционерлик жамиятига тегишли бўлинмалар жамоалари иштирокида кўриб чиқилди. Ўз хизмат вазифаларига совуққонлик билан ёндашган айбдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Шунингдек, республика Транспорт прокуратураси ва Ички ишлар вазирлигининг транспорт ички ишлар бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда темирйўл бекатлари ва йўловчи поездларда қонунчиликни мустаҳкамлаш, жамоат

(Давоми 2-бетда).

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — МУҚАДДАС

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Абдуҳалим ХОЛМАҲМАТОВ билан ЎзА мухбири суҳбати*

— Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида, жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда, — деди А.Холмаҳматов. — Суд-ҳуқуқ тизимида ўтказилаётган ислоҳотлар мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг замонавий стратегиясини яратди. Ислоҳотларни амалга оширишга хизмат қилувчи, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла маънода ҳимоя қилишга қаратилган, халқимиз маънавий дунёси ҳамда одоб-ахлоқ мезонларига асосланган бир қанча қонунлар қабул қилинди.

Хусусан, Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиз ҳуқуқий ҳаётида янги даврни бошлаб берди. 2001 йил 18 октябрдан эътиборан амалга киритилган мазкур Қонуннинг моҳияти инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, унда шахсни жазолаш эмас, балки тарбиялаш назарда тутилади.

**— Мазкур Қонуннинг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг бугунги аҳволи хусусида сўзлаб берсангиз.**

— Авваламбор, шуни таъкидлаш лозимки, жазо тизими мазкур Қонун билан жазо муқаррарлиги тамойилини таъминлаган ва унинг тарбиялаш моҳиятини сақлаб қолган ҳолда инсонпарварлик нуқтаи назаридан либераллаштирилди. Ушбу Қонун ҳали айрим жиноят-ҳуқуқий меъёрларда сақланиб қолган, тоталитар тузум асорати бўлмиш жазолаш тизимининг репрессив, шафқатсиз жазолаш функцияларини чеклаш ва қисқартириш ҳисобига қонун ҳужжатларининг адолатлилиги ва инсонпарварлиги тамойилини кучайтиришга хизмат қилади.

Эндиликда «жиноятчини шафқатсиз жазолаш лозим» қабилидаги эски қарашларга бутунлай чек қўйилди. Бу ўзгаришлар шу пайтгача амалда бўлган жазо тизими тамойилларини мутлақо ўзгартириб юборди. Эскилик сарқитларидан воз кечиб, мустақиллик шарофати ва давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан том маънодаги инсонпарварликка асосланган тамойиллар рўёбга чиқди.

Бу йўналишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, жумладан, прокуратура органлари томонидан қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш борасида талай ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, мазкур Қонун қабул қилинганидан кейинги давр ичида ҳаракатда бўлган ва тўхтатилган жами 5 мингдан ортиқ жиноят иши юзасидан 3 мингга яқин шахснинг жиноий ҳаракатлари қайта малакаланди. Улар Қонунга мувофиқлаштирилгандан сўнг амнистия актига асосан 470 нафар шахсга нисбатан 744 жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилди.

Апелляция, кассация ва назорат босқичларида 1145 жиноят иши бўйича 1440 шахснинг жазо муддати камайтирилди. Шундан 723 шахсга нисбатан 562 жиноят иши прокурорларнинг протестлари асосида Қонунга мувофиқлаштирилди.

Айтиш жоизки, собиқ мустабид тузумдан мерос бўлган мол-мулкни мусодара қилиш тажрибаси, жиноятчи билан бирга, унинг оила аъзоларини руҳан азоблаш ва моддий жиҳатдан камситишни назарда тутар эди. Энди мол-мулкни мусодара қилиш жиноий жазо сифатида умуман қўлланилмайди, жиноят қуроллари ва жиноят ашёларининг тақдири эса жиноят-процессуал қонунчилиги меъёрлари асосида ҳал этилади.

**— Шу ўринда Қонунга биноан иқтисодий жиноятлар учун қандай жазо чоралари қўлланилиши ва бу борадаги янгиликлар хусусида батафсилроқ тўхталсангиз.**

— Қонунга кўра, иқтисодий жиноятлар учун озодликдан маҳрум этиш жазоси ўрнига жарима қўллашни кенгайтириш, етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилган чоралар кўзда тутилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тергов ва судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлашда тўғри ёндашув таъминланиши, ижтимоий хавфлилик даражаси унча катта бўлмаган иқтисодиёт соҳасига оид жиноятларни содир этган ҳамда етказилган зарарни қоплаган шахсларга нисбатан жазо тайинлашда инсонпарварлик ва одиллик принципларига риоя қилиниши шартлиги белгиланди. Шу боис 2 мингдан зиёд жиноят иши бўйича 2 мингдан ортиқ судланувчи томонидан етказилган 2 миллиард 777 миллион 398 минг сўмлик зарар қоплангач, уларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар қўлланилди.

Жиноят-процессуал кодексида жиноий ишларни тергов қилиш ва судда кўриш тартиби бирмунча соддалашди. Ишларни судларда кўриш муддатлари ҳам аниқ белгилаб берилди. Эндиликда дастлабки тергов ва айбланувчиларни қамоқда сақлаш муддати 3 ойдан ошмаслиги керак. Бу муддат терговни тамомлашнинг имкони ва эҳтиёт чорасини ўзгартириш учун асослар бўлмаган ҳолларда узайтирилиши мумкин. Яъни бу муддатнинг узайтирилиши қатъий тартибга солиниб, ушбу тартибнинг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилди.

Фуқароларни эҳтиёт чораси тариқасида қамоққа олиш даражаси 40 фоиздан 28 фоизга пасайди. Бу, ўз навбатида, судларга озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни кенг қўллаш имконини яратди. Натижада, озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлаш 40 фоизни ташкил этиб, 60 фоиз шахсга нисбатан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди.

Яна бир янгилик — ярашув тўғрисида алоҳида иш юритиш тартиби жорий қилинди. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, етказилган зарарни бартараф этса ҳамда жабрланувчи билан ярашса, суд жиноят ишини тугатади. Бу ҳолда шахс судланган ҳисобланмайди. Шунга биноан, тергов идоралари томонидан судларга юборилган 3 мингдан ортиқ шахсга нисбатан 3623 жиноят иши ҳамда Қонун қабул қилингунга қадар судларнинг ихтиёрида бўлган мингга яқин шахсга нисбатан 435 жиноят иши судлар томонидан тугатилиб, айбдорлар жавобгарликдан озод қилинди.

Сўнгги бир йил ичида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шу жумладан, прокуратура органлари томонидан тергов қилинган жиноят ишлари бўйича жиноий хатти-ҳаракатлар оқибатида етказилган зарарни ундириш аҳволи бирмунча яхшиланди.

Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида жиноий хатти-ҳаракатлар оқибатида етказилган жами зарарнинг 63,5 фоизи дастлабки тергов жараёнида ундирилган бўлса, қолганларининг суд жараёнида ундирилиши таъминланди.

Хуллас, Жиноят кодексининг талай моддаларига киритилган ўзгартиришларда, Жиноят-процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг янгиликлар билан тўлдирилишида ҳам жиноий жазоларни либераллаштиришга нисбатан худди ана шундай ёндашувни кўришимиз ва бунга мисолларни кўплаб келтириб ўтишимиз мумкин.

**— «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун янги таҳрирда қабул қилингач, прокуратура органларининг фуқаролар ҳуқуқини ҳимоя қилиш йўналишидаги вазифалари янада кучайди. Қонун, ўзингизга маълум, ижроси билан кучли. Бу борада амалга оширилаётган ишлар кўлами қандай?**

— Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши билан прокуратура органларининг асосий фаолият йўналиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш эканлиги белгилаб берилди. Бу борада давлатимиз раҳбари айтганидек, «Прокуратура халқнинг устидан назорат қилмаслиги, аксинча, унга хизмат қилмоғи даркор». Прокурор қораловчи эмас, балки инсон ҳуқуқларининг, жамоа, ташкилот ва давлат манфаати ҳимоячисидир. Бир сўз билан айтганда, унинг бугунги кунда протест келтириш, тақдимнома киритиш, даъво қўзғатиш, қонунни бузмаслик тўғрисида огоҳлантириш ва бошқа ваколатлари асосан фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда.

Бир мисол. Наманган вилояти Уйчи туманида яшовчи фуқаро Ф.Ҳожибоев Бош прокурорга ариза билан мурожаат қилиб, унда ўғли Ҳ.Ҳожибоев давлатга етказган зарарни тўлиқ қоплаган бўлса-да, суд ҳукми билан 11 йил муддатга озодликдан маҳрум этилганини баён этган ва бу масала холис ўрганилиб чиқилишини сўраган эди.

Мазкур қонун бузилишига Бош прокуратура томонидан жиноят иши ўрганиб чиқилиш жараёнида чек қўйилди. Яъни суд қарорларини ўзгартириш ва Ҳ.Ҳожибоевни қамоқдан озод қилиш ҳақида келтирилган протест Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими билан қаноатлантирилди ва у қамоқдан озод қилинди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, прокурорларимиз ўз олдига қўйилган биринчи галдаги вазифа сифатида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни фаолиятларининг асосий мезони деб билишлари шарт.

**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**



## Қува ширинликлари

*«Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияси ва Германиянинг «Вип-Системс» фирмаси ўртасидаги келишувга мувофиқ, Қува қандолат ишлаб чиқариш комбинатида маҳаллий хомашёдан жаҳон андозаларига мос, экологик тоза ширинликлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Улар мағизли ва шоколадли батонлар бўлиб, харидорларга манзур бўлмоқда.*

**СУРАТДА:** назоратчи Муяссар Маматова ва цех бошлиғи Исмоил Узоқов иш жараёнини кузатмоқдалар.

**Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.**

Янги йилни катталардан кўра болалар кўпроқ орзиқиб кутади. Сабаби — бу айём шодиёналарга жуда бой. Айниқса, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ўн йилдан буён ташкил этилаётган мазмунли ва серзавқ арча байрамлари, Президентимиз номидан топширилувчи янги йил совғалари кичкинтойлар учун жуда қадрлидир.

Бу йил пойтахтимиздаги «Президент арчаси» тантаналари Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб ўтади. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Аввало, болаларда Юртбошимиз тавсияси билан бунёд этилган бу муҳташам мусиқа маскани мисолида мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари кўлами тўғрисида янада ёрқин тасаввур уйғонади. Қолаверса, бу ёш авлоднинг миллий санъатимизни эъзозловчи, маънавий баркамол инсон бўлиб етишишига ишорадир.

## Фарзандларимиз кутаётган байрам

Яқинлашаётган 2003 йил мамлакатимиз раҳбари таклифига биноан «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинди. Ана шу жиҳат бу йилги тантаналарда ўз ифодасини топади. Зеро, миллатимизнинг саховатпешалигию меҳр-муруввати рамзига айланган «Президент арчаси»га маҳаллаларда истиқомат этаётган кам таъминланган, серфарзанд оилалар вакиллари, тиббий кўмакка муҳтож болалар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари таклиф этилган.

Ҳозирданоқ консерватория янги йил байрамига мос ва хос тарзда безатилди. Байрам тантаналари дастлаб консерватория фойесида — Қорбобо, Қорқиз, турли эртак қаҳрамонлари иштирокида бўлиб ўтади. Болалар байрамига санъат усталари ва эстрада юлдузлари, республика мусиқа, цирк ва эстрада коллежи, хореография билим юрти талабалари, цирк усталарини жалб этиш кўзда тутилган.

Бинонинг катта залида эса болакайларни янада антиқа совға кутмоқда. Бу ерда улар учун таниқли шоир Анвар Обиджон ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Наби Абдураҳмонов сценарийси асосида яратилган «Саиднинг саргузаштлари» томошаси намойиш этилади. Ўзбекистон ёшлар театри актёрлари иштирокидаги ушбу саҳна асари Ватанга садоқат, ҳалоллик, юртпарварлик, жасурлик, фидойиликни тараннум этади.

«Президент арчаси» тантаналари пойтахтимизда 29 декабрь куни бошланади ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда — бутун мамлакатимиз бўйлаб давом этади. Махсус томошалар ташкил этилиб, давлатимиз раҳбари номидан 147 минг кичкинтойга совға-салом улашилади.

**(ЎзА).**

Қонун ва ижро

# Ноёб ҳаётбахш «дори»

**Янги Қонун қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигини ривожлантиришга хизмат қилади**

*Ўзбекистон Республикаси «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасида «Донор қони ва унинг таркибий қисмларини тўплаш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва сақлашни қон билан ишлаш хизмати амалга оширади», дейилган. Хўш, ваколатли тиббиёт муассасалари бу борада қандай ишларни амалга оширяпти? Навоий вилояти қон қуйиш маркази бош шифокори Барот НОРМУРОДОВ мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:*

— Янги Қонун барча соҳаларимиздаги муносабатларни тартибга солиш имконини яратди. Зиммамизга қон топшириш, уни ташкил этиш ва сақлашга оид долзарб мажбуриятлар юкланди. Донорлар тиббий-ижтимоий ҳимояланди. Маъмурий, маҳаллий давлат ҳокимият органлари ўз ваколатлари доирасида донорлик хизматида қатнашишларининг таъминланиши белгилаб қўйилди. Донорларга бериладиган тақдирлов ва компенсациялар аниқ ифодаланди. Бир сўз билан айтганда, Қонуннинг донорларни руҳан ва маънан қувватлашга йўналтирилганлиги алоҳида диққатга молик. Янада муҳимроғи, табиий офатлар, бахтсиз ҳодисалар ва фалокатлар рўй берганда кўпчиликни жалб этишнинг асосий шартлари кўрсатилди.

Олдимизда Қонуннинг устувор жиҳатларини кенг тарғиб этишдек муҳим вазифа турибди. Аслида юрагида Ватан туйғуси бўлган ҳар бир фуқаро бу муҳим давлат ва мудофаа аҳамиятига молик ишга ўз ҳиссасини қўшиши даркор. Қон нима эканлиги ва уни топшириш нақадар зарурлигини ҳамма тушуниб етиши лозим. Тарғибот ишларида барча имкониятлардан фойдалансак, ўнгланиш сари қадам қўйиш қийин эмас.

Энди ўз фаолиятимиз ҳақида тўхталсам, марказимиз IV категорияли муассаса ҳисобланади. Айни пайтда 12 та бўлим ўрнига 3 та бўлим ишлаб турибди. Ўз биномизга эга эмасмиз. Донорларга қон топширгандан сўнг хизмат кўрсатадиган ошхона, ҳар донорга алоҳида чойшаб ишлатилгач, зарарсизлантириб тозалаш учун ювиш цехи, марказнинг ўзида таҳлил қилиш лабораторияси йўқ. Қон яроқли ёки яроқсизлигини аниқловчи лаборатория таҳлиллари шаҳарнинг турли ташкилотларида жойлашган 8 та лабораторияда ўтказиляпти.

Аҳолига гематология хизмати кўрсатиш ҳам қониқарли эмас. 191500 нафар туғруқ ёшидаги аёлларнинг 90 фоизидан ортиғида темир моддаси танқислиги, қамқонлик ҳолатлари аниқланган. Бироқ бўлғуси оналар ҳамда болаларнинг узлуксиз даволанишига кўп ҳолларда шароит яратиб берилмайди.

Янги Қонун талабларидан келиб чиқиб, вилоятимизда қатор ўзгаришларга қўл уриляпти. Қанийди, қон қуйиш маркази ва унинг таркибида диспансер типидаги камида 40-50 ўринли гематология маркази ташкил этилиб, зарур тиббий асбоб-ускуналар ўрнатилса? Келажакда фавқулодда вазиятлар учун қон банкини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Бундан ташқари чўл минтақасида қонли иситма касаллиги кўп учрайди. Бундай беморларни фақат шу хил касаллик билан хасталаниб тузалган кишилар қонини ўтказиш орқалигина даволаш мумкин. Демак, бундай донорлар гуруҳи учун алоҳида рағбатлантириш кўзда тутилиши керак.

Тўғри, муаммолар кўп. Аммо қўл қовуштириб турганимиз йўқ. Марказ ва унинг жойлардаги еттита бўлими фаолиятини замонавий талаблар даражасида ташкил этиш, гематология хизматини яхшилаш чораларини кўряпмиз. Олдинги йили марказга қиймати 3 миллион сўмлик мультискан аппарати келтирилгандан сўнг ишларимиз анча енгил кўча бошлади. Қизилтепа ва Навоий туманларидаги бўлимларимизда «РС-6 Центрифуга» аппаратлари ўрнатилди. Куни кеча Зафаробод шаҳрида Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли қон қуйиш бўлими иш бошлади. Шифокорларнинг билим ва маҳоратларини оширишга алоҳида эътибор бериляпти.

Қон — бу ҳаёт. Ана шу энг ноёб ҳаётбахш «дори» туфайли минг-минглаб кишиларнинг ҳаёти сақланиб қолинаётганлиги ҳаммага маълум. Шу ўринда биргина жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда қайд этилган 14300 туғруқдан 4300 тасига турли миқдордаги қон ва ундан тайёрланган компонентлар қуйилганини айтиб ўтиш кифоя. У қанчадан-қанча қувонч, бахтиёрликларга сабаб бўлганини кўз олдингизга келтиринг-а.

Хуллас, қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигини ривожлантириш йўлида ҳали кўп иш қилиниши керак. Ишнинг аввали Қонун дейдилар-ку. Қонун ижросини тўла-тўкис таъминлаш эса инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, умрини узайтириш йўлида катта қадамдир.

**«Халқ сўзи» мухбири Абдуваҳоб ПИРМАТОВ ёзиб олди.**

## Тармоқ тараққиёти малакали кадрларга боғлиқ

Мамлакатимиз Осиёни Европа билан боғлаб турувчи муҳим стратегик аҳамиятга молик минтақада жойлашган. Шу боис истиқлолнинг илк кунларидан коммуникация ва транспорт, жумладан, темир йўл соҳасининг жадал ривожланишига катта эътибор қаратилмоқда.

Бу борада Президентимиз Ислом Каримов Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Уларда темир йўл бошқариш тизимини такомиллаштириш, инвестиция лойиҳаларини жадаллик билан ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали республикамиз халқ хўжалигини, аҳолининг темир йўл транспорти хизматига бўлган эҳтиёжини тўларoқ қондириш, ҳаракатдаги транспорт воситаларининг фойдаланиш муддатини узайтириш ва улардан самарали фойдаланишга эришишдек вазифалар кўзда тутилган. Бу эса кўп жиҳатдан давр талаби даражасидаги малакали мутахассислар тайёрлашга боғлиқдир. Шундай мутахассислар Тошкент темир йўл муҳандислари институтида тайёрланмоқда.

Мазкур олий ўқув юрти ташкил этилганига етмиш йил тўлиши муносабати билан бўлиб ўтган тантанали йиғилишда ана шулар ҳақида сўз борди.

Йиғилишда сўзга чиққан «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси раиси О.Раматов, Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Н.Жўраев, олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази раҳбари М.Муҳитдинов ва бошқалар ушбу олий ўқув юртининг мутахассислари нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам зарур ва малакали кадр саналишини қайд этдилар.

Бунинг учун эса олий ўқув юртида шароит етарли. Хусусан, бир қанча янги кафедра, ўқув-амалий лабораториялари, илмий-ижодий марказлар ташкил этилиб, талабаларнинг пухта билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлашига жиддий эътибор берилаётир. Институт олимлари томонидан яратилаётган илмий ишланмалардан эса нафақат темир йўл соҳаси, балки халқ хўжалигининг барча тармоқларида самарали фойдаланилмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ТАНҚИД УЧУН МИННАТДОРЧИЛИК



(Давоми. Боши 1-бетда).

тартибини сақлаш, чиптасиз йўловчилар ҳамда юкларни ноқонуний равишда ташиш ҳолатларининг олдини олиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Вокзалларда ва поездларда йўловчиларга сервис хизмати кўрсатиш жараёнлари қаттиқ назорат остига олинди.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси маъмурияти ва «Ўзтемирйўловчи» очиқ акциядорлик жамияти раҳбарияти газета таҳририятига тармоқда йўловчиларга хизмат қилишни ташкил этишдаги мавжуд муаммоларни бартараф этишда яқиндан ҳамкорлик кўрсатгани учун ўз миннатдорчилигини билдиради.

**В. БАХОЛДИН,**
**«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси раиси ўринбосари.**

* * *

Республика Транспорт прокуратураси республика Бош прокуратураси топшириғига биноан, «Вокзалнинг янги «брокер»лари» сарлавҳали мақолада тилга олинган ҳолатлар юзасидан текшириш ўтказди. Натижада шу йил ноябрь ойининг 9, 11, 17 кунлари 662-сонли «Тошкент-Бухоро», 254-сонли «Қўнғирот-Тошкент» ва 191-сонли «Бухоро-Андижон» маҳаллий йўловчи поездларида вагон кузатувчилари З. Домлажонов, А. Боботоев, М. Иноятов, А. Мадазимов, Р. Муллаев ва И. Эргашевлар жами 38 йўловчини чиптасиз олиб кетаётганлиги аниқланган. Оқибатда 524438 сўм миқдорида зарар етказилганлиги маълум бўлди. Шундан 362237 сўм зарар айбдор шахслардан ундирилди.

Текшириш якунларига кўра, 3 та маъмурий, 2 та жиноий иш қўзғатилди. Айни пайтда транспорт прокуратураси томонидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

**И. ЭРГАШХЎЖАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бўлим бошлиғи.**

# СОВУҚДАН ЧЎЧИМАЙДИГАН БОЛАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мен бўлса... совқотдим. Қайтарган нафаси оч ҳаворанг ҳовур бўлиб кўринаётган ва қалин кўйлаги устидан оқ рангли костюм кийиб олган узун бўйли «синфдош»имнинг бардошига ҳавасим келди. Ўша, 19 декабрь куни ҳаво совуқ эмасди. Қор эриётганди. Тарновлардан шариллаб сув тушарди. Булутларнинг юпқа пардаси узра қуёш кўрина бошлаганди. Лекин синфхона яхлаб кетгандай эди. Мен партадан қўзғолгим келмади. Ҳалиги оқ костюм кийган ўқувчи ёнимга келди.

— Қиш бошланганидан буён печкамиз ёнгани йўқ, — деди у ўзининг исми Маннон эканини билдириб. — Ичкари шунинг учун совуқ.

— Пальтоингни нега киймадинг? — деб сўрайман Манноndан.

— Пальтом... — у елка қисди. Сўнг — ҳозир биз ўтган информатикаданми, — деди у навбатдаги саволимга жавоб бериб, — тўғриси, мавзуни дуруст тушунмадим. Хотирам яхши. Лекин... Компьютернинг нималигини кўрган бўлмасак. Китобдаги расмига термиламиз, термиламиз — тушунмаймиз. Ўзимми? Спортнинг кураш деганига қизиқаман. Кураш тўгараги йўқ. Мактабимиздаям, маҳалламиздаям — йўқ. Клубимиз — хароба. Сувни ҳамма булоқдан ташиб ичади. Булоқ — узоқда, четроқда. Шундай эрув кунлари булоқнинг йўлидан эшак ҳам юролмай қолади. Раҳбарларми? Нимага пахтага чиқмаяпсан? — деб келишарди. Қолган пайтлари...

Қўнғироқ чалинди.

«Биология» дарси экан. Ўқитувчи қалин кийиниб, бўйнига иссиқ мато ўраб олган, ёши қирқлардан ошган. Суяги оғирроқ одамга ўхшайди. Дарсни зерикарли ўтса, баттар совқотиб қоламиз, деб ўйладим. Йўқ. Ҳаммасига улгурди: ўтган дарсни такрорлашгаям, ўқувчилардан тўрттасига баҳо қўйишгаям. Янги мавзуни шунақаям мароқли йўсинда тушунтирдики, хонанинг совуқлигиям хаёлдан кўтарилгандай бўлди. Ўқувчилар ҳам, масалан, зоғора балиғида нега энди 102 ё 106 эмас, 104 та хромасома бўлар экан деган гапнинг, албатта, тагига етиш лозим деган қарорга келгандай бўлдилар. Танаффусга қўнғироқ чалинганини эшитмай қолибмиз.

Танаффус пайтида мен «синфдош»ларимдан ким бўлмоқчисизлар, деб сўрадим. Кўпчилиги, биолог бўламиз, дейишди.

Мана, сизга биология ўқитувчиси Чори Раимназаров нафасининг сеҳри.

Тўртинчи соат — жисмоний тарбия экан. Ўқитувчи бетоб эмиш. Дарсга (ишга) келмабди. Бир ҳисобда шундай бўлгани ҳам маъқулроқдай кўринди. Чунки, стадионда лойгарчилик. Ўзларича «спорт зал» деб юритиладиган ва бир деразасининг ойналари йўқлигидан ўқувчилар «холодильник» деб атайдиган хонада ишонсангиз, атиги биттаям спорт анжоми йўқ экан.

Шу фурсатдан фойдаланиб мен «синфдош»ларимни гурунгга тортаман. Ўзини Ҳасанов Собир деб таништирган ўқувчи Навоийнинг «Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш»ини ёддан айтиб берди. Бошқалар, бизнинг ҳам Навоийдан билганимиз шу, деб қўя қолишди. Сожида Чориеванинг Чингизхон Термизга XVI асрда бостириб кирган деган гапини ҳам тузатувчи бўлмади. Собир доскага «Шоирларнинг, рассомларнинг ижодий уюшмаси» деган гапни ёзди. Бу гапнинг эгаси шу деб «шоир», «рассом» деган сўзларнинг тагига чизди. Миробид Маҳамов исмли ўқувчи Собир йўл қўйган иккита имло хатони тузатди. Шу гапнинг морфологик, синтактик жиҳатларига тааллуқли 15 тача саволга жавоб беролмади. Лекин бошқа мавзудаги гурунгларимиз чўғи яшнаб кетди: Сурхон дарёсининг узунлиги қанча, Бобатоғда Бойчиборнинг (Алпомишнинг оти), Дулдулнинг (ҳазрат Алининг оти) излари борлиги ростми? Далварзин тепаликларидан топилган эрамизнинг бошларига оид шахмат доначаларининг шакллари қандай бўлган? Хўжа Самандар Термизийнинг тошқин дарёдан ҳатлаб ўтганларига ишонса бўладими ва ҳ.к. ва ҳ.к.

Зум ўтмай яна қўнғироқ чалинди. Ўрнимдан қўзғалаётиб, партага урилган каттакон михга кийимимни илдириб олаёздим.

— Парталаримиз, «суперпарта»лар. Ҳушёрроқ бўлинг, — деб огоҳлантирди Эшбўри Чориев деган ўқитувчи.

— Янги парта, компьютер бўлмаса майлига, — деди «синфдош»ларимдан бири (унинг номини сўрамаганимга афсус). — Лекин, дарсликларимиз йўқ. Биология, рус тили, чет тили бўйича биттаям дарслигимиз йўқ...

— Соғ-омон бўлинглар. Яхши ўқинглар, — дейман хонадан чиқаётиб.

«Синфдош»ларимнинг худди бошланғич синф болаларига ўхшаб бараварига «Хайр, келиб туринг», деган самимий хитобларидан кўнглим равшан тортди.

— Давомат, ўзлаштириш кўрсаткичларимиз ёмон эмас, — дейди мактаб директори Олим Алимардонов. — Фақат... Ёш ўқитувчиларимиздан айримлари институтдан китобга қараб дарс ўтишни — лекция усулини ўрганиб келишганга ўхшайди.

— Болалар ўртасида майда безоричилик, ўғирлик... — Йўқ. Лекин бундан уч йил аввал диний-экстремистик таъсирларга берилиб, қишлоғимиз ёшларидан бирданига 17 таси кесилиб кетгани ёмон бўлди. Биз ўқитувчилар энди одамларимиз бошига шундай ташвиш тушмасин, деб жонимиз ҳалак.

Ёш директордан эшитганларим ҳалигина энди 15 ёшни тўлдираётган, унчамунча совуқни писанд қилмайдиган Манноннинг гапларини эслатади. Тўгарак йўқ. Клуб — хароба. Йўлларимиз — қаровсиз, сувни...

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади) мақомини белгилаш, Қонунчилик палатаси фаолиятини ташкил этишга ва унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (бундан буён матнда Сенат деб юритилади) ҳамда бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигига доир муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Қонунчилик палатаси**

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қуйи палатасидир.

Қонунчилик палатаси сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат.

Қонунчилик палатасининг иши палата барча депутатларининг профессионал, доимий фаолият кўрсатишига асосланади.

**3-модда. Қонунчилик палатаси фаолиятининг ҳуқуқий асослари**

Қонунчилик палатаси фаолиятининг тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонунлар билан белгиланади.

**4-модда. Қонунчилик палатасига сайлов**

Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш тартиби «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**5-модда. Қонунчилик палатасининг ваколат муддати**

Қонунчилик палатасининг ваколат муддати — беш йил.

Ваколат муддати тугагач, Қонунчилик палатаси янги чақириқ Қонунчилик палатаси иш бошлагунга қадар ўз фаолиятини давом эттириб туради.

**6-модда. Қонунчилик палатаси депутати**

Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Қонунчилик палатасининг депутати бўлиши мумкин.

Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Қонунчилик палатаси депутатлари ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас.

Қонунчилик палатаси депутати дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. У Қонунчилик палатасининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас.

Қонунчилик палатаси депутатига унинг депутатлик фаолияти билан боғлиқ харажатлар белгиланган тартибда қопланади.

Қонунчилик палатаси депутатининг ваколатлари қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда муддатидан илгари тугатилиши мумкин.

Қонунчилик палатаси депутатининг мақоми қонун билан белгиланади.

**7-модда. Қонунчилик палатаси ҳужжатлари**

Қонунчилик палатаси ўзининг ваколатларига киритилган масалалар юзасидан, шунингдек, палатанинг ички фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади.

Қонунчилик палатаси умумсиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа масалалар юзасидан баёнотлар ва мурожаатлар билан чиқиши мумкин, улар палатанинг қарори билан расмийлаштирилади.

Қонунчилик палатаси қарорлари, ушбу қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

## II. ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ ШАКЛЛАРИ

**8-модда. Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ваколатлари**

Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ваколатлари қуйидагилардан иборат:

1) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

2) Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларини ҳамда қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

3) Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш;

4) Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;

5) Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан Ўзбекистон Республикасининг ҳокимият тармоқлари тизимини ҳамда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларининг ваколатларини белгилаш;

6) Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;

7) бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш;

8) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;

9) Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларини ўзгартириш;

10) туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш;

11) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш ҳамда унинг ижросини назорат қилиш;

12) давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш;

13) Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқарув органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

14) Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш;

15) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари номзодларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади;

16) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарини сайлаш;

17) Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш;

18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

20) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ратификация ва денонсация қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

21) Ўзбекистон Республикаси Конституциясида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига кирадиган масалалар, қоида тариқасида, аввал Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатда кўриб чиқилади.

**9-модда. Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари**

Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари жумласига:

1) Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;

2) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Қонунчилик палатаси депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;

3) Регламентни ҳамда ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан бошқа қарорларни қабул қилиш;

4) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек, давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан Қонунчилик палатасининг қарорларини қабул қилиш киради.

**10-модда. Қонунчилик палатаси мажлиси**

Қонунчилик палатаси фаолиятининг ташкилий шакли унинг Қонунчилик палатаси сессиялари даврида ўтказиладиган мажлисларидир.

Навбатдаги сессиялар, қоида тариқасида, сентябрнинг биринчи иш кунидан бошлаб келгуси йилнинг июнь ойи охирги иш кунига қадар ўтказилади.

Қонунчилик палатасининг сайловдан кейинги биринчи мажлиси сайловдан сўнг икки ойдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан чақирилади.

Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси очади ва Қонунчилик палатаси Спикери сайлангунга қадар унда раислик қилади.

Қонунчилик палатаси ва унинг органлари мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Сенат Раиси, Бош вазир, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди раислари, Бош прокурор иштирок этишлари мумкин.

Қонунчилик палатаси мажлисига давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар, матбуот органларининг, телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф қилиниши мумкин.

Қонунчилик палатаси мажлислари очиқ ва ошкора ўтказилади.

Зарурат бўлганда, Қонунчилик палатаси ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Қонунчилик палатаси мажлисларини ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби Қонунчилик палатаси Регламентида белгиланади.

**11-модда. Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлислари**

Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлислари Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганда, чет давлатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганда ўтказилади. Палаталарнинг келишувига биноан қўшма мажлислар бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказилиши мумкин.

Палаталарнинг қўшма мажлиси очиқ ва ошкора ўтказилади.

Палаталарнинг қўшма мажлиси, агар унда тегишинча Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Палаталарнинг қўшма мажлисларида, агар қўшма мажлисда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси навбатма-навбат раислик қилади.

Палаталарнинг қўшма мажлисида эшитилган масалалар муҳокамаси натижалари юзасидан палаталарнинг қўшма қарори қабул қилиниши мумкин. Бунда овоз бериш, қоида тариқасида, алоҳида-алоҳида ўтказилади.

**12-модда. Парламент сўрови**

Қонунчилик палатаси ва Қонунчилик палатаси депутати давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови йўллашга ҳақли.

Парламент сўровига жавобни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари Қонунчилик палатаси Регламентида белгиланган муддатларда Қонунчилик палатаси мажлисларида берадилар.

## III. ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ СПИКЕРИ ВА УНИНГ ЎРИНБОСАРЛАРИ. ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИ, ҚЎМИТАЛАРИ ВА КОМИССИЯЛАРИ

**13-модда. Қонунчилик палатаси Спикери**

Сайловдан кейинги биринчи мажлисда Қонунчилик палатасининг депутатлари орасидан яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Қонунчилик палатасининг ваколат муддатига Қонунчилик палатаси Спикери сайланади. Қонунчилик палатаси Спикерлигига номзод кўрсатиш ва сайлаш тартиби Қонунчилик палатаси Регламентида белгиланади.

Қонунчилик палатаси Спикери ўз вазифасини бажариш даврида сиёсий партияга аъзоликни тўхтатиб туради ҳамда сиёсий партия фракцияси (бундан буён матнда фракция деб юритилади) ва депутатлар гуруҳи таркибига кириши мумкин эмас.

Қонунчилик палатаси Спикери Қонунчилик палатаси қўмиталарининг таркибига сайланиши мумкин эмас.

Қонунчилик палатаси Спикери яширин овоз бериш орқали Қонунчилик палатаси депутатларининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози билан қабул қилинган Қонунчилик палатаси қарорига биноан муддатидан илгари чақириб олиниши мумкин.

Қонунчилик палатаси Спикери ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан фармойишлар чиқаради.

**14-модда. Қонунчилик палатаси Спикерининг ваколатлари**

Қонунчилик палатаси Спикери:

1) Қонунчилик палатаси ва унинг Кенгаши мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади;

2) Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;

3) Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонунларни маъқуллаш учун Сенатга юборади;

4) Қонунчилик палатаси қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

5) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Қонунчилик палатаси ҳужжатларининг ижроси устидан назоратни ташкил этади;

6) Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

7) парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ Қонунчилик палатаси гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилади;

8) Қонунчилик палатаси матбуот органларининг уставларини ва таҳрир ҳайъатлари таркибини ҳамда уларнинг ишлаши учун зарур харажатлар сметаларини тасдиқлайди;

9) Кенгаш билан келишилган ҳолда Қонунчилик палатаси матбуот органларининг бош муҳаррирларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади;

10) Қонунчилик палатаси матбуот органларининг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади;

11) Сенат, бошқа давлат органлари, чет давлатлар, халқаро ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда Қонунчилик палатаси номидан иш кўради;

12) Қонунчилик палатаси ва унинг Кенгаши қарорларини имзолайди;

13) Қонунчилик палатаси девони фаолиятига раҳбарликни амалга оширади, депутатлар ва Қонунчилик палатаси девони ишлаши учун зарур харажатлар сметаларини тасдиқлайди;

14) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Қонун ва Қонунчилик палатаси Регламентида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Қонунчилик палатаси Спикери ўзининг ваколатига тааллуқли масалаларни Кенгаш муҳокамасига киритишга ҳақли.

**15-модда. Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари**

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Қонунчилик палатаси ваколати муддатига сайланади. Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлигига номзодлар кўрсатиш ва сайлаш тартиби Қонунчилик палатаси Регламентида белгиланади.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари Қонунчилик палатаси қўмиталарининг таркибига сайланиши мумкин эмас.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари Қонунчилик палатаси Спикерининг топшириғига биноан унинг айрим вазифаларини бажаради ва Қонунчилик палатаси Спикери йўқлигида ёки ўз вазифаларини амалга ошириши мумкин бўлмаган ҳолларда унинг вазифасини бажариб туради.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари ўз вазифаларини бажариш даврида сиёсий партияга аъзоликни тўхтатиб туради ҳамда фракция ва бошқа депутатлар бирлашмаси таркибига кириши мумкин эмас.

**16-модда. Қонунчилик палатаси Кенгаши**

Қонунчилик палатаси фаолиятини самарали ташкил этиш, палата қўмиталари ишини мувофиқлаштириб бориш, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини режалаштириш масаласини дастлабки тарзда кўриб чиқишни ташкил этиш мақсадида Қонунчилик палатаси Кенгаши тузилади.

Қонунчилик палатаси Кенгаши палата мажлислари оралиғида заруратга қараб тўпланади.

Қонунчилик палатаси Кенгашининг таркибига Қонунчилик палатаси Спикери, унинг ўринбосарлари, фракциялар ва депутатлар гуруҳларининг раҳбарлари, Қонунчилик палатаси қўмиталарининг раислари киради.

Қонунчилик палатаси Кенгаши ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қарорлар қабул қилади.

**17-модда. Қонунчилик палатаси қўмиталарини сайлаш**

Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда палата томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддатига Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан раис, унинг ўринбосари ва аъзолардан иборат таркибда қўмиталар сайланади.

Қўмита раиси, унинг ўринбосари ва қўмита аъзолари лавозимлари депутатларнинг қайси партия ёки гуруҳга мансублигини ҳамда сайловда сайловчиларнинг қанча овозини олганлигини инобатга олган ҳолда яхлит (умумий) қарор билан белгиланади.

Қонунчилик палатаси қўмиталарининг барча аъзолари тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Қўмита таркибига сайланмаган депутат унинг ишида маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этишга ҳақли.

Қонунчилик палатаси қўмиталари Қонунчилик палатаси олдида масъул ва унга ҳисобдордир.

**18-модда. Қонунчилик палатаси қўмиталарининг ваколатлари**

Қонунчилик палатаси қўмиталари:

1) ўз ташаббуси билан ёки Қонунчилик палатасининг топшириғига биноан Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ҳамда ўзининг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан Қонунчилик палатаси бошқа қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқади;

2) қонун лойиҳаларининг дастлабки тарзда кўриб чиқилишини ва уларни Қонунчилик палатасида кўриб чиқишга тайёрлашни амалга оширади;

3) қонунларнинг лойиҳалари юзасидан хулосалар беради, қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасининг мажлиси кун тартибига киритиш, унинг устида ишлашни давом эттириш ёки асослантирилган ҳолда уни рад этиш тўғрисида Кенгашга таклифлар киритади;

4) Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети лойиҳаси юзасидан хулосалар ва таклифлар беради;

5) Қонунчилик палатасининг топшириғига ёки палата Кенгашининг тавсиясига биноан муайян қонун лойиҳаси ёки палата ваколатларига кирадиган бошқа масала юзасидан масъул бўлади;

6) киритилган қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлари тузади, уларнинг таркибига давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакилларини, мутахассислар ва олимларни, хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларини жалб этади;

7) қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари вакилларининг улар томонидан киритилган қонун лойиҳасига тааллуқли масалалар юзасидан фикрларини эшитади;

8) киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек, Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинаётган қарорлар матнига ўзгартиш ёки қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

9) давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ҳужжатларни, эксперт хулосалари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олади;

(Давоми 4-бетда).

*Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни*

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида

(Давоми. Боши 3-бетда).

10) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда қўмиталарнинг қарорлари улар томонидан қандай бажарилаётгани ҳақидаги ахборотларини эшитади.

**19-модда. Қонунчилик палатаси қўмиталарининг ишини ташкил этиш**

Қонунчилик палатаси қўмиталари ишни ўз режаларига, шунингдек, Қонунчилик палатаси, унинг Спикери ва Кенгаши топшириқлари ҳамда тавсияларига мувофиқ ташкил этади.

Қонунчилик палатаси қўмиталарининг фаолияти тартиби Қонунчилик палатаси Регламентида белгиланади.

**20-модда. Қонунчилик палатаси қўмиталарининг мажлислари**

Қонунчилик палатаси қўмиталарининг мажлислари палата мажлислари оралиғида заруратга қараб ўтказилади.

Қонунчилик палатаси қўмиталарининг мажлислари, агар уларда қўмита аъзоларининг камида ярми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Қонунчилик палатаси қўмиталарининг мажлислари очиқ ўтказилади. Зарурат бўлганида Қонунчилик палатаси қўмиталари ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Қўмиталарнинг мажлисларига давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар, матбуот органларининг, телевидение, радио ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф қилиниши мумкин.

**21-модда. Қонунчилик палатаси қўмиталарининг қарорлари**

Қонунчилик палатаси қўмиталари кўриб чиқилаётган масалалар юзасидан қўмита жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қарорлар қабул қилади.

Қонунчилик палатаси қўмиталарининг давлат органларига юборилаётган қарорлари улар томонидан кўриб чиқилиши шарт, натижалари ёки кўрилган чоралар тўғрисида, агар қарорда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, узоғи билан бир ойдан кечиктирмай хабар қилиниши керак.

**22-модда. Қонунчилик палатаси комиссиялари**

Қонунчилик палатаси муайян вазифаларни бажариш учун комиссиялар тузиши мумкин.

Комиссиялар Қонунчилик палатаси мажлисида Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан тузилади. Айни пайтда комиссияни тузишдан кўзланган мақсад ва унинг ваколатлари белгиланади.

Комиссиялар ўз фаолиятини зиммасига юклатилган вазифалар бажарилганидан кейин ёки Қонунчилик палатасининг қарорига биноан муддатидан илгари тугатади.

Комиссияларни ташкил этиш ва уларнинг фаолияти тартиби Қонунчилик палатаси Регламентида белгиланади.

## IV. ДЕПУТАТЛАР БИРЛАШМАЛАРИ

**23-модда. Депутатлар бирлашмалари тўғрисида**

Қонунчилик палатаси депутатлари сиёсий, профессионал ва бошқа асосда фракциялар ва депутатлар гуруҳлари шаклида депутатлар бирлашмаларини тузиши мумкин.

Фракция сиёсий партиядан кўрсатиладиган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир.

Депутатлар гуруҳларини Қонунчилик палатаси таркибига сайланган, сиёсий партиядан кўрсатилмаган депутатлар тузишга ҳақли.

Қонунчилик палатаси депутатининг фракцияга ёки депутатлар гуруҳига кириши тўғрисидаги қарор уларнинг мажлисларида қабул қилинади.

Қонунчилик палатасининг депутати фақат бир фракция ёки депутатлар гуруҳининг аъзоси бўлиши мумкин.

Сиёсий партиядан кўрсатилган ва Қонунчилик палатасига сайланган депутат фақат шу партия фракциясининг аъзоси бўлиши мумкин ёки ҳеч бир фракция ёхуд депутатлар гуруҳига кирмасликка ҳақли.

Депутатлар бирлашмаларининг ташкил этилиши ва фаолияти тартиби Қонунчилик палатаси Регламентида белгиланади.

**24-модда. Фракциялар ва депутатлар гуруҳларини тузиш тартиби**

Қонунчилик палатасининг камида тўққиз нафар депутати фракция ёки депутатлар гуруҳини тузиш ҳуқуқига эга.

Фракциялар ва депутатлар гуруҳлари рўйхатдан ўтиши керак. Қонунчилик палатасининг мажлисида фракция ва депутатлар гуруҳининг раҳбари ёки бошқа вакили тегишинча фракция ёки депутатлар гуруҳи тузилгани ҳақида палатага ахборот беради, бу Қонунчилик палатаси мажлисининг баённомасида қайд этилади.

Қонунчилик палатаси фракция ва депутатлар гуруҳи тузилгани тўғрисида қарор қабул қилади.

**25-модда. Фракция ва депутатлар гуруҳининг ваколатлари**

Фракция ва депутатлар гуруҳи:

1) Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ва моҳияти юзасидан таклифлар ҳамда фикр-мулоҳазалар киритади;

2) Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилинаётган ҳар бир масала юзасидан музокараларда фракция, депутатлар гуруҳи вакилига кафолатланган тарзда сўз берилиши ҳуқуқидан фойдаланади;

3) келишув комиссияси ва бошқа комиссиялар тузиш тўғрисида масала қўяди;

4) Қонунчилик палатаси мажлисида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг тасарруфига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан мурожаат этади;

5) Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилинаётган масала юзасидан фракциянинг, депутатлар гуруҳининг фикрини Қонунчилик палатаси депутатлари ўртасида тарқатади;

6) палатанинг Кенгаши, қўмиталари ва комиссиялари ишида иштирок этади;

7) Қонунчилик палатасида муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари ва бошқа қарорларнинг лойиҳалари юзасидан ўз таклифларини киритади;

8) ҳукумат аъзоларини уларнинг фаолияти масалалари юзасидан эшитиш тўғрисида масала қўяди;

9) фракциянинг, депутатлар гуруҳининг фаолияти учун зарур материаллар ва ҳужжатларни давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларидан талаб қилиб олади;

10) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**26-модда. Фракция ва депутатлар гуруҳининг фаолиятини тугатиш**

Фракция ва депутатлар гуруҳининг фаолияти қуйидаги ҳолларда тугатилади:

1) фракция ёки депутатлар гуруҳининг ўз ташаббуси билан;

2) Қонунчилик палатасининг ваколат муддати тугаганда;

3) фракция ёки депутатлар гуруҳига кирувчи депутатлар сони уларни тузиш учун зарур бўлган миқдор чегарасидан камайиб кетганда.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳоллардан ташқари, тегишли сиёсий партиянинг фаолияти тугатилган тақдирда ҳам фракция тарқатиб юборилади.

## V. ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ. КЕЛИШУВ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИ

**27-модда. Қонунчилик ташаббуси**

Қонунчилик палатасида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокурори эгадирлар ва бу ҳуқуқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади.

Давлат даромадларини камайтириш ёки давлат харажатларини кўпайтириш, шунингдек, бюджет моддалари бўйича ўзгартиришларни назарда тутувчи қонунларнинг лойиҳалари фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижобий хулосаси бўлган тақдирда киритилиши мумкин.

**28-модда. Қонун лойиҳасининг Қонунчилик палатаси қўмитаси томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилиши**

Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига киритилганидан кейин Қонунчилик палатаси Спикери уни дастлабки тарзда кўриб чиқишни амалга оширадиган масъул қўмитани белгилайди.

Қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқишда фракциялар ва депутатлар гуруҳлари иштирок этишга ҳақли.

Қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиш натижалари асосида масъул қўмита уни Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига киритиш ёки қонун лойиҳасини киритган органга (шахсга) қайтариш тўғрисида Қонунчилик палатаси Кенгаши олдига масала қўяди.

Агар киритилган қонун лойиҳаси «Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Қонунчилик палатаси Регламентига мувофиқ бўлмаса, Қонунчилик палатаси Кенгаши қонун лойиҳасини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига қайтариш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

**29-модда. Қонуннинг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниши**

Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини, қоида тариқасида, бир неча ўқишда кўриб чиқади.

Қонун Қонунчилик палатаси томонидан палата депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, конституциявий қонунни қабул қилиш ҳамда унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози талаб қилинади.

Овоз бериш очиқ ёки яширин бўлиши мумкин.

Овоз беришнинг шакли ва усули тўғрисидаги қарор Қонунчилик палатаси томонидан Қонунчилик палатаси мажлисида ҳозир бўлган депутатларнинг кўпчилик овози билан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади.

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай Сенатга юборилади.

Сенат қонунни маъқуллаш ёки уни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Сенат томонидан рад этилган қонун Қонунчилик палатасига қайтарилади.

Агар Қонунчилик палатаси депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни яна маъқулласа, қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда Қонунчилик палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига имзолаш ва эълон қилиш учун юборилади.

**30-модда. Келишув комиссияси**

Сенат томонидан рад этилган қонун юзасидан Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин.

Келишув комиссиясининг ҳар бир палатадан кўрсатилган аъзолари ўз таркибидан кўпчилик овоз билан комиссиянинг ҳамраисини сайлайди.

Келишув комиссияси қонуннинг ягона матнини ишлаб чиқиш мақсадида Сенатнинг ҳар бир эътирозини алоҳида-алоҳида кўриб чиқади. Келишув комиссияси қонуннинг Сенат эътироз билдирмаган айрим моддалари таҳририни ўзгартириш тўғрисида, агар бундай ўзгартиришни Сенатнинг таклифлари асосида ишлаб чиқилган қонун моддаларининг таҳрири тақозо этадиган бўлса, қарор қабул қилишга ҳақли.

Келишув комиссияси ишининг натижалари юзасидан келишмовчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ўз ичига олган хулоса қабул қилинади.

Келишув комиссиясини тузиш тартиби, комиссиянинг таркиби ва иши Регламентда белгиланади.

**31-модда. Келишув комиссиясининг таклифларини кўриб чиқиш**

Қонунчилик палатаси келишув комиссиясининг хулосаси тақдим этилган кундан эътиборан ўн кун ичида унинг таклифларини кўриб чиқиши ва қарор қабул қилиши керак.

Қонунчилик палатаси келишув комиссиясининг таклифлари юзасидан депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қарор қабул қилади.

Келишув комиссиясининг таклифлари қабул қилинган тақдирда, қонун Қонунчилик палатаси томонидан қайта кўриб чиқилиши керак. Бундай ҳолларда қонун одатдаги тартибда қабул қилинади ва маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

Агар Сенат томонидан рад этилган қонунни қайта кўриб чиқишда Қонунчилик палатаси уни келишув комиссиясининг таҳририда қабул қилмаса ва Сенатнинг қонунни рад этиш тўғрисидаги қарорига рози эмаслигини билдирса, қонун аввалги қабул қилинган таҳририда овозга қўйилади.

Агар Қонунчилик палатаси депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни яна маъқулласа, қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда Қонунчилик палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига имзолаш ва эълон қилиш учун юборилади.

**32-модда. Қонунни имзолаш ва уни эълон қилиш**

Сенат томонидан маъқулланган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига ўн кун ичида юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонун ўттиз кун ичида имзоланади ва эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунни ўз эътирозлари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли.

**33-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтарилган қонуннинг Қонунчилик палатасида қайта кўриб чиқилиши**

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтарилган қонун Қонунчилик палатасида қайта кўриб чиқилиб, қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

1) қонунни Ўзбекистон Республикаси Президентининг мулоҳазалари ва таклифларини инобатга олган ҳолда қабул қилиш;

2) қонунни бундан буён кўриб чиқмаслик;

3) қонунни аввалги қабул қилинган таҳририда маъқуллаш.

Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳририда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, Сенатга маъқуллаш учун юборилади.

## VI. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

**34-модда. Қонунчилик палатасини тарқатиб юбориш**

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида қуйидаги ҳолларда тарқатиб юборилиши мумкин:

Қонунчилик палатаси таркибида унинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёки у бир неча марта Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид қарорлар қабул қилган тақдирда;

Қонунчилик палатаси билан Сенат ўртасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда.

Қонунчилик палатаси тарқатиб юборилган тақдирда янги сайлов уч ой мобайнида ўтказилади.

Қонунчилик палатаси фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда тарқатилиши мумкин эмас.

**35-модда. Қонунчилик палатаси Регламенти**

Қонунчилик палатаси, унинг органлари ва мансабдор шахслари, шунингдек, депутатлар бирлашмалари фаолиятининг тартиби Қонунчилик палатаси Регламентида белгиланади.

**36-модда. Қонунчилик палатаси девони**

Қонунчилик палатаси, унинг органлари ва депутатлар фаолиятининг ташкилий, ахборот, моддий-техника таъминотини Қонунчилик палатаси девони амалга оширади.

Қонунчилик палатаси девони тузилмаси, штатлари, ходимларининг меҳнат ҳақи миқдори ва моддий-техника таъминоти, шунингдек, уларнинг ишлаши учун зарур харажатлар Қонунчилик палатаси Спикери томонидан тасдиқланади.

Қонунчилик палатаси девони ходимларининг меҳнатга оид муносабатлари Қонунчилик палатасининг ваколат муддатига боғлиқ бўлмайди.

Қонунчилик палатаси девони юридик шахс ҳисобланади.

Қонунчилик палатаси девонининг ташкил этилиши ва фаолияти тартиби Қонунчилик палатаси Спикери томонидан тасдиқланадиган Низомда белгиланади.

**37-модда. Қонунчилик палатаси фаолиятини молиялаштириш**

Қонунчилик палатаси фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**38-модда. Қонунчилик палатасининг матбуот органлари**

Қонунчилик палатаси ўз матбуот органларига эга бўлади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 12 декабрь.

---

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг*
*ҚАРОРИ*

## «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига навбатдаги сайлов ҳамда Қонунчилик палатасини шакллантириш якунлари асосида амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ў.Султонов) ўз қарорларини «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар мазкур Конституциявий Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

3. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни амалга киритилган кундан эътиборан қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги Конституциявий Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 10, 250-модда);

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 153-модда) XV бўлими;

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 5, 89-модда) VII бўлими.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 12 декабрь.

# «Тоҳирий&К» концерни ва «Самарқанд-банк» жамоалари

Ўзбекистон Республикаси халқи ҳамда меҳмонларини кириб келаётган

## Янги — 2003 йил билан

самимий муборакбод этади!

Барчангизга тинчлик-тотувлик, шоду хуррамлик, бахт-саодат, узоқ умр тилаймиз. Мамлакатимизнинг халқаро мақеъдаги нуфузи ва қудрати тобора ошаверсин!

**«ТОҲИРИЙ&К» КОНЦЕРНИ ВА УНИНГ БЎЛИНМАЛАРИ ҚУЙИДАГИЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

- «Мульен» пивоси,
- Европа сифатли идора мебеллари,
- алюминий витражлар,
- эшиклар,
- дераза ромлари
- ва замонавий газ иситиш печлари.

**Манзилимиз:** Самарқанд шаҳри, Термиз кўчаси, 26-«А» уй.
**Телефон:** (8-366-72) 35-50-98, факс: (8-366-72) 33-66-02.

6646/2573

---

*Ҳурматли мижозлар, акциядорлар, юртдошлар ва Ўзбекистон меҳмонлари!*

# «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»

сизларни

## Янги ~ 2003 йил билан

самимий табриклайди!

Сизларга мустаҳкам соғлик, оилавий хотиржамлик ва ишларингизда муваффақиятлар тилайди.

---

## «Ўзсаноатқурилишбанк» ўз акцияларининг 1200 млн. сўмлик V эмиссиясидан фойдаланишни таклиф этади.

**Бир акциянинг номинал қиймати — 1500 сўм.**

Дивидендлар ставкасининг жозибадорлиги - йиллик 40 % ва молиявий йил якунларига кўра қўшимча фоизлар, уларнинг ҳар чоракда ҳисобланиши ва тўланиши «Ўзсаноатқурилишбанк» имтиёзли акцияларини маблағингизни энг қулай жойлаштириш манбаига айлантиради. Барқарорлик, юқори фоизлар ва дивидендларнинг ўз вақтида тўланиши акцияларнинг оммавийлашишига кўмаклашмоқда.

«Ўзсаноатқурилишбанк» акциялари номи ёзилган. Уларни ҳадя қилиш ёки мерос сифатида қолдириш мумкин.

**АКЦИЯЛАРИМИЗ СОҲИБИ БЎЛИШИНГИЗНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!**

**«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» МАБЛАҒЛАРИНГИЗНИ САҚЛАШ ВА КЎПАЙТИРИШДА ИШОНЧЛИ ҲАМКОРДИР.**

**Сизни қизиқтирган маълумотларни қуйидаги телефонлардан олишингиз мумкин: 120-45-09, 133-28-93.**

6672/2594

---

# DAEWOO UNITEL

## Ўзбекистонда 1-рақамли оператор

абонентлар сони ва GSM алоқа доираси жиҳатидан

*Янги йилда Daewoo Unitel билан*

*Биз абонентларимизга эришилган ютуқларимиз учун ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз! Сизга соғлик-саломатлик, бахт, фаровонлик ва барча орзу ниятларингизнинг рўёбга чиқишини тилаймиз!*

## Нархларнинг ҳайратомуз тушиши! 60% гача

**2003 йил 1 январдан**

| Хизмат кўрсатиш пакети | Абонентлик тўлови | Бепул дақиқалар | Бепул дақиқалардан сўнг қўнғироқлар баҳоси | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | Кириш қўнғироқлари | Чиқиш қўнғироқлари | |
| | | | | Тармоқ ичида | Ўзбекистон бўйича |
| Standard | 14 | 150 | 0,10 | 0,10 | 0,10 ~~0,25~~ |
| Millennium | 30 ~~35~~ | 400 ~~360~~ | 0,10 | 0,10 | 0,10 ~~0,25~~ |
| Economic | 60 ~~65~~ | 800 ~~720~~ | 0,05 | 0,10 | 0,10 |
| Prestige | 80 | 1200 | 0 | 0,10 | 0,10 |
| VIP | 105 ~~125~~ | чекланмаган | 0 | 0 | 0 |
| VIP International | 145 ~~165~~ | чекланмаган | 0 | 0 | 0 |

янги хизмат кўрсатиш пакети

**ЯНГИ Optima**

абонентлик тўлови: **$45**
бепул дақиқалар: **600**
кириш ва чиқиш қўнғироқлари: (бепул дақиқалардан сўнг) **$0.10**

*Бирлик: АҚШ $ / дақиқа*

*Барча нархлар ҚҚС сиз (20%) кўрсатилган*

**БЕПУЛ уланиш**

**50% чегирма** SIM карта хариди учун
"Komfort" хизмат кўрсатиш пакети бундан мустасно

**For your satisfaction only!**

DAEWOO UNITEL GSM CELLULAR SERVICE

**Бош офис:**
Тошкент ш., Бухоро кўчаси, 1. Тел: 185-00-22.
**"Intercontinental" меҳмонхонасидаги филиал:**
Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 107а. Тел: 185-09-80.

**Компаниянинг вилоятлардаги офислари:**
Андижон: 53-00-56, Бухоро: 223-05-36, Қарши: 221-15-02, Қўқон: 2-33-30
Навоий: 223-89-00, Наманган: 4-29-53, Нукус: 222-71-59, Самарқанд: 33-09-06
Термиз: 7-52-19, Урганч: 226-38-50, Фарғона: 24-10-31

Лицензия: РТ № 0000123

---

# DAEWOO UNITEL

**абонентларига эришган ютуқлари учун ўз миннатдорчилигини билдиради ва эълон қилади!**

АБОНЕНТЛАР АРО

## КАТТА ЮТУҚЛАРНИНГ ЎЙИНАЛИШИ

**СУПЕРЮТУҚ MATIZ автомобиль**

- Компьютерлар - 2та
- Музлатгичлар - 3та
- Кир ювиш машиналари - 3та
- Телевизорлар - 4та
- DVD + Видеомагнитофонлар - 5та
- Мусиқа марказлари - 11та

*Бу ҳали ҳаммаси эмас!*
*Шунингдек!*

28та эфир: 600 дақиқа бепул вақти
56та эфир: 300 дақиқа бепул вақти

**Ютуқлар ўйналиши 2003 йил 20 март куни бўлиб ўтади.**

**Ўйинда қуйидаги абонентлар қатнашадилар:**
Барча мавжуд, шунингдек янги (2002 йилнинг декабрь ойи охиригача уланганлар), камида 2003 йилнинг 1 январидан бошлаб Standard, Millennium, Economic, Prestige, VIP ва VIP International хизмат кўрсатиш пакетларидан фойдаланувчи актив* абонентлар (ўйинда Komfort хизмат кўрсатиш пакетига эга бўлган абонентлар қатнашмайдилар).

**Бошқа шартлар:**

- Ютуқ билан боғлиқ бўлган барча солиқлар ютуқ соҳиби томонидан тўланади.
- Ютуқларнинг маркаси ва модели мавжудлигига кўра ўзгартирилиши мумкин.
- Қолган шартлар компания йўриқномасида қайд қилинади.

* 2003 йилнинг 1 январидан бошлаб, то ютуқлар ўйналиши кунига қадар ўчирилмаган абонентлар.

**Ўзбекистоннинг барча йирик шаҳарларини қамраб олган энг кенг GSM тармоғи**

**БЕПУЛ уланиш**

**SIM карта хариди учун 50% чегирма**
"Komfort" хизмат кўрсатиш пакети бундан мустасно

**Ягона маҳаллий қўнғироқлар ҳудуди Ўзбекистон бўйича барча қўнғироқлар маҳаллий қўнғироқлар каби тўланади**

**For your satisfaction only!**

DAEWOO UNITEL GSM CELLULAR SERVICE

**Бош офис:**
Тошкент ш., Бухоро кўчаси, 1. Тел: 185-00-22.
**"Intercontinental" меҳмонхонасидаги филиал:**
Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 107а. Тел: 185-09-80.

**Компаниянинг вилоятлардаги офислари:**
Андижон: 53-00-56, Бухоро: 223-05-36, Қарши: 221-15-02, Қўқон: 2-33-30
Навоий: 223-89-00, Наманган: 4-29-53, Нукус: 222-71-59, Самарқанд: 33-09-06
Термиз: 7-52-19, Урганч: 226-38-50, Фарғона: 24-10-31

Лицензия: РТ № 0000123

